

АНАКОЛУФ — (юнонча — таркок, нотўгри) бадий асар матнининг грамматик жихатдан таркоклиги, гап бўлақларининг нотўгри жойлаштирилиши. Бу хил услубий воситалар кахрамон характери индивидуаллаштириш, тасвирланаётган вазият руҳини тўларок ифодалаш ниятида адиблар томонидан атайлаб ишлатилади. Масалан: «— Айтмоқчи, сизниям томоркангиз бор-а... шу туманда? — деб сўради Эртой. Кисматилло бирдан хушёр тортди. — Бўлганда кандок! Бор. Отамерос, бобомерос, — деди. — Лекин кисталоклар мол боккан-да бу боглардаям. Кўчманчидан таркаганмиз-да, жигар. Ха, шундай. — Энди бу богни, — дея зўрикиб давом этди йигитча, н-нима киласиз? Обод киласизми ўзи? Еки сиз хам. — Нима «ёки»? — йигитчадан жўяли бир гап-таклиф чикадигандек умид билан сўради Кисматилло. — Еки. Э, шу ёкдаги кўп одамлар эски богларини сотибди пулдорларга деб эшитяпмиз-да, — деди Эртой. — Ха, бу гапларрост. Емонмас аслида... Лекин бизнинг бог... Биласанми, ука, — деб бирдан мўъжазгина кулиб йигитчага бурилди Кисматбой.» (Ш.Холмирзаев) Гuvoхи бўлаётганимиздек, ушбу парчада грамматик коидалар талабига тўла жавоб берадиган, эга-кесими, иккинчи даражали бўлақлари ўз жойида бўлган тўлик гапни қарийб учратмаймиз. Муаллиф томонидан топиб қўлланилган, бир қарашда узук-юлук гап қисмлари сифатида таассурот уйғотадиган нутқ шакллари кахрамонлар руҳиятини ишонарли тарзда очишга хизмат қилган.